

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2015-yil 14-fevral, shanba № 13 (15859)

14-fevral — Zahiriddin Muhammad Bobur tavallud topgan kun

«...ҚОЛДИ ФАЛОНДИН ЯХШИЛИФИ!»



Захириддин Муҳаммад Бобур Шарқу Фарбда бирдек шуҳрат қозонган, миллионлаб қалблардан жой олган сиймолардандир. Бунда улуғ бобокалонимизнинг ижоди, давлат арбоби сифатида амалга оширган ишлари, асарлари, адабиёт, тарих, этнография ва бошқа кўплаб соҳаларга оид мулоҳазалари («Бобурнома»даги маълумотларни эсланг!), бир сўз билан айтганда, бетакрор ижоди асосий омил эканига шубҳа йўқ. Бироқ, ўйлаймизки, бу зотнинг шуҳрати сабабини фақат шулар билангина ифодалаб бўлмайди. Чунки Мирзо Бобур, авваламбор, иймон-этиқоди бутун, адолатпарвар, гўзал ахлоқли ва маданиятли шахс, улкан қалб соҳиби сифатида ҳам кўпнинг меҳру эътиборини қозонган зотдир.

Давоми 5-саҳифада

Кун mavzusi

ИМЗО ТЎПЛАШ ЖАРАЁНИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

2015 йил 9 февраль куни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, 10 февраль куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда 11 февраль куни Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатган номзодини рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди.

Давоми 2-саҳифада

Parlament quyi palatasida

ОЛИЙ МАЖЛИСДА ОМБУДСМАН ҲИСОБОТ БЕРДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир қатор вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судлар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирок этди. Куйи палата Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан сўнг депутатлар Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — Омбудсманнинг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитди.

Давоми 2-саҳифада

Mulohaza

МАФТУНҚОР ГЕОГРАФИЯ



Ер шари, қитъалар ва мамлакатлар, океанлар ва рельефлар, мегаполислардан тортиб энг кичик аҳоли пунктларигача... Она сайёрамиз ҳақидаги ўқувчи тасавури, табиийки, география ёрдамида шаклланади. Баъзилар географияни фақат ўқув предмети деб тушунади, аслида унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни биз ўйлагандан кўра муҳимроқ.

Давоми 4-саҳифада

«Kamolot» YIH hududiy kengashlarida

ҚИЗГИН МУҲОКАМАЛАР, ЎРИНЛИ МУЛОҲАЗАЛАР

«Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида ўтган йил якунига бағишланган сарҳисоб йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар дастури»да белгиланган вазифалар ижроси, Ҳаракат тизимида амалга оширилган ишлар, бюджет ижроси каби масалалар кўриб чиқилди. Йўл қўйилган камчиликлар муҳокама этилиб, истиқболли режалар белгилаб олинди.

Давоми 3-саҳифада



ШЕЪРГА АЙЛАНГАН СОҒИНЧ



АЖДОДЛАР МЕРОСИНИ АРДОҚЛАБ



БИТИРУВЧИЛАР БИЗНЕС ТРЕНИНГЛАРДА

ИМЗО ТЎПЛАШ ЖАРАЁНИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга кўра, сиёсий партиянинг раҳбари Марказий сайлов комиссиясига Президентликка номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, ариза билан мурожаат этади. Номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари — съезд ёки қурултойи томонидан амалга оширилади. Президентликка номзодни рўйхатга олиш тўғрисидаги аризага сиёсий партия юқори органининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори ҳамда юқори орган мажлисининг баённомаси (баённомада номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими, иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади), Президентликка номзоднинг ўз номзодини овозга қўйишга рози экани тўғрисидаги аризаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари илова қилиниши керак. Ушбу ҳужжатларни Марказий сайлов комиссияси етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Қонунчилигимизга биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни кўрсатиш сайловга

олтмиш беш кун қолганда бошланади ва қирқ беш кун қолганда тугатилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ партиялар номзод кўрсатиш жараёни қонунда белгиланган муддатда якунлади. Марказий сайлов комиссияси ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Марказий сайлов комиссияси ҳузурида сиёсий партиялар томонидан тақдим этиладиган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ишчи гуруҳлари тузилган ҳамда ушбу гуруҳларга комиссия аъзолари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, ички ишлар, адлия идораларининг мутахассислари жалб қилинган. Ҳозирги кунда Марказий сайлов комиссиясида имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича ишчи гуруҳлари ўз ишини давом эттирмоқда. Қонунга асосан текшириш учун имзо варақалари танлаш йўли билан ажратиб олиниши мумкин. Сайловчилар имзолари ва сайлов варақаларига имзо қўйган сайловчилар тўғрисидаги тегишли маълумотлар зарур миқдорнинг камида 15 фоизи текширувдан ўтказилади.

Бунинг учун ҳар қайси сиёсий партия томонидан Президентликка номзоди кўрсатилган шахсларнинг ҳар бирини қўллаб-қувватлаш



учун тўпланган сайловчилар имзолари тенг миқдордан ажратиб олинади. Ишчи гуруҳи аъзолари ҳар бир имзо варақасининг тўғри тўлдирилганлиги, ўчириб ёзилган жойлар, ўхшаш имзолар, қўшимча имзо билан тасдиқланган тузатишларга йўл қўйилмаганига, турли шахслар томонидан тўлдирилганлиги алоҳида эътибор берган ҳолда кўздан кечирилади. Ушбу жараёнда камчилик ёки ноаниқликлар бор имзо варақалари ажратиб олинади ва қайтадан батафсил текширилади. Имзо варақаларини текшириш жараёни сиёсий партияларнинг вакиллари ҳам кузатиб боради. Текшириш якуни бўйича баённома тузилиб, унда сайловчиларнинг тақдим этилган имзолари, шундан текширилган имзолар ҳамда сайловчиларнинг ноаниқ ва ҳақиқий эмас деб топилган имзолар сони кўрсатилади. Сиёсий партиянинг вакилига баённоманинг нусхаси тақдим этилади. Ушбу баённома Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорини қабул қилиш учун асос ҳисобланади ва қарорга илова қилинади.

Жавлон ВАФОВЕВ,
«Turkiston» муҳбири

ОЛИЙ МАЖЛИСДА ОМБУДСМАН ҲИСОБОТ БЕРДИ

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Ҳисоботда Омбудсман фаолиятининг асосий йўналишлари инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилишига кўмаклашиш, унга риоя этилишини мониторинг қилиш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий онгини ҳамда хабардорлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилишдан иборат бўлганлиги алоҳида таъкидланди. Ушбу фаолият парламент палаталарининг қўмиталари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан яқин ҳамкорликда амалга оширилди ва Омбудсман Олий Мажлисининг назорат-таҳлил тадбирларида иштирок этди. Ошкоралик ва шаффофликни таъминлашда, амнистия ҳужжатини қўллашда қоидабузарликларнинг олдини олишда иштирок этиш Омбудсман ва унинг минтақавий вакилларининг фаолиятида алоҳида ўрин эгаллади.

Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича фаолияти «Ўзбекистон Республи-

каси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги ҳамда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ ҳолда олиб борилди. Фуқаролар Омбудсманга умумий ва электрон почта, ишонч телефони, шахсий қабул ва жойларда ўтказилган учрашувларда мурожаат қилиш орқали ўзларини қийнаётган савол ва муаммоларга ечим топди.

Аҳолининг ҳуқуқий онгини ва мансабдор шахсларнинг хабардорлигини ошириш мақсадида Омбудсман 2014 йилда кўплаб ахборот-маърифий тадбирлар — семинарлар, тренинглари, давра суҳбатлари, конференциялар ўтказди.

Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш Омбудсман томонидан икки томонлама асосда ҳам, кўп томонлама асосда ҳам чет эллик ҳамкасблар билан алоқаларни кенгайтириш орқали амалга оширилди.

Омбудсман ҳисоботи йиғилганлар томонидан батафсил муҳокама этилди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқди.

Ж.ЭРКИНОВ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 532 йиллиги муносабати билан «Анда жоним қолди...» мавзудаги давра суҳбатлари ҳамда Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ташаббуси билан нашр этилган «Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

ШЕЪРГА АЙЛАНГАН СОҒИНЧ



Тадбирда адабиётшунос олимлар — Абдулла Аъзам, Ҳамидулла Болтабоев, Ваҳоб Раҳмон, Отабек Жўрабоев, шоир Шуккур Курбон Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси кенгаши раиси ўринбосари Арслон Эшмуродов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, тарих фанлари доктори Азамат Зиё, Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси ўринбосари Тўлқин Ҳайит буюк аждодимизнинг ҳаёти ва ижоди, давлатчилигимиз тарихида Бобурийлар сулоласининг ўрни ва бугунги ёшлар маънавиятидаги аҳамияти хусусида сўзлади.

— Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ҳеч шубҳасиз теурийлар сулоласининг муносиб давомчилари сафига қўша оламиз, — дейди тарих фанлари доктори Азамат Зиё. — Бобур ижодий меросининг асосий қисми бизгача етиб келган. Ўша давр ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётдан сўзловчи «Бобурнома»дек мухташам тарихий асар, айниқса, ёшларимизга муайян маънавий озуқа бериб, уларнинг тарихий-географик билимларини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бобур ижодиётининг бош мавзуси — Ватан ишқидир. Адабиётшунос олимлар «Ватанни севишни Мирзо Бобурдан ўрганмоқ керак» деб бежиз айтмайди. У бир умр она юртини кўмсаб яшайди. Шоирнинг ғазал ва рубоийларига жо бўлган Ватан соғинчи, қалб тугёнлари ҳар бир китобхонни мутаассир этиши табиий.

Тадбир якунида «Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси» мазмунини китобхонларга таништирилди. Бир гуруҳ ўқувчи, талаба ёшлар шоирнинг ғазал ва рубоийлари асосида мушоира уюштирди. Ёш истеъдод соҳиби Тоҳиржон Латипов ижросидаги «Сочининг савдоси тушди», «Жамолинг», «Кам бўлмасин» қўшиқлари иштирокчиларга кўтаринки кайфият улашди.

Алибек ОМОНТУРДИЕВ,
«Turkiston» муҳбири

Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

САТРЛАРИ МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

«Улуғ аждодларимиз ҳамisha барҳаёт» деб номланган мазкур тадбирда «Камолот» ЁИХ Чилонзор тумани кенгаши аъзолари, ижодкорлар, талабалар ва уларнинг оначалари иштирок этди.

— Халқимиз маънавий дунёсининг шаклланишига беназир ҳисса қўшган алломалар — Алишер Навоий ва Бобур асарлари биз учун ҳар доим катта ибрат мактаби, эзгу амаллар сарчашмаси бўлиб хизмат қилади, — дейди тадбирда иштирок этган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирза Азизов. — Уларнинг ҳар бир сатри мангулик-

ка дахлдордир. Улуғ бобокалонларимизнинг бебаҳо маънавий меросини чуқур ўрганиб, уни ёшлар тарбиясига йўналтириш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Адабий кечада сўз олганлар Навоий ва Бобурнинг маънавий мероси хусусида тўхталиб, уларнинг адабиётга, илм-маърифатга қўшган улкан ҳиссасини, давлат арбоби сифатида халқ фаровонлиги йўлида амалга оширган эзгу ишларини эътироф этди, шеърларидан намуналар ўқиди.

Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» муҳбири

ЎРИНЛИ МУЛОҲАЗАЛАР, ҚИЗГИН МУҲОКАМАЛАР,

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ. Навоий давлат кончилик институтида бўлиб ўтган йиғилишда асосий эътибор 2014 йилда Ҳаракатнинг вилоят кенгаши томонидан бажарилган ишлар таҳлилига қаратилди. «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши вакиллари, Ҳаракатнинг туман ва шаҳар кенгашлари раислари ҳамда фаол ёшлар иштирокида ўтган йиғилишда ёшлар ташкилоти навқирон авлоднинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, йигит-қизларнинг маънавий ва касбий савиясини юксалтириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш каби мақсадларни ўз олдига қўйгани алоҳида таъкидланди.

Қайд этилдики, ўтган йил вилоят кенгаши тизими томонидан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, маънавий-маърифий йўналишларда 2,5 мингта тадбир ташкил этилиб, уларга 443,9 минг нафардан зиёд йигит-қиз қамраб олинди. Ҳаракат давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар» дастури ижроси доирасида қатор ишларни бажарди. Хусусан, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг демократик-ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирокини таъминлаш борасида саккиз юздан ортиқ сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий мавзуда лойиҳа ва тадбирлар ташкил этди. Вилоят вакилларининг республика миқёсида ўтказилган кўрик-танлов ва фестивалларда кўплаб ютуқларни қўлга киритганлиги ҳудудда фаол ва иқтидорли, истеъдодли ёшлар сафи кенгайиб бораётганидан далолатдир. Шунингдек, «Менинг бизнес ғоям» кўрик-танловида уч нафар коллеж битирувчиси ғолиб деб топилди, улар имтиёзли микрокредит олиш ҳуқуқига эга бўлди. Вилоятда «Менинг бизнес ғоям» ҳамда «Ёш тадбиркор — юртга мадақкор» танловлари доирасида 176 нафар ёшга 1 миллион ард 945 миллион сўм миқдорда имтиёзли микрокредитлар олишга кўмаклашилди. Натижада 246та янги иш ўрни яратилди.

Ҳаракат қошидаги Ёшлар маркази ва учта «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази»даги 20дан ортиқ тўғарақ ва ўқув курсларида 8 минг нафар ўғил-қиз бепул ўқитилди. Ўтган йил вилоят кенгаши қошида ташкил этилган «Ташаббускор ёшлар клуби» ҳам самарали

фаолият кўрсатди. Ушбу клуб аъзоларининг сони қисқа фурсатда олтимиш нафарга етган.

Кенгайтирилган йиғилишда жорий йилга режалар белги-ланди.

Отабек АСЛОНОВ,
«Turkiston» мухбири

КАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИда бўлиб ўтган йиғилиш ҳам Ҳаракатнинг йил якунлари ҳамда режаларига бағишланди. Айни пайтда вилоят кенгашида 1458та бошланғич ташкилот бўлиб, уларнинг 398 минг 150 нафар аъзоси бор.

Дастлаб вилоят кенгашининг ўтган йилда амалга оширган ишлари ҳусусида ҳисобот берилди. Унда маълум қилинишича, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирокини таъминлаш мақсадида 615та тадбир ташкил этилиб, 128 минг 600 нафар ёш қамраб олинган. Ушбу йўналишда «Ҳоким ва ёшлар», «Суд, ҳуқуқ ва ёшлар», «Депутат ва ёшлар», «Концепция — ислоҳот ва истиқбол» лойиҳалари, «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзусида тарғибот лойиҳаси, «Солиқ билимдони», «Сиз қонунни биласизми?», «Тафаккур синовлари», «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловлари ва ҳарбий қисмларда «Очиқ эшиклар куни» ташкил этилди.

Маънавий-маърифий йўналишда эса вилоят миқёсида 599та тадбир ташкил этилиб, 351 минг 100 нафар ёш қамраб олинди. Ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, миллий менталитетимизга ёт зарарли ғоя ва оқимларга қарши курашиш қобилиятини янада ривожлантириш мақсадида қатор амалий ишлар қилинди.

Вилоятнинг барча ҳудудларида фан, таълим, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларнинг таниқли вакилларини кенг жалб қилган ҳолда «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали, «Буюк аждодларга муносиб авлод», «Юксак маънавиятли ёшлар юрт келажаги», «Қадриятларни қадрлаймиз», «Инсон қадр азиз, хотираси муқаддас», «Камолот» билан ҳаракатдамиз», «Камолот» кутубхонаси», «Қабристонларни обод этайлик!», «Ҳар бир фарзандга ҳурмат ва эътибор», «Байроғимиз ҳаётини қудрат ва бардавомлик нишониси» лойиҳалари, «Аждодлар мероси — келажак пойдевори», «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси», «Президент асарлари билимдони» кўрик танловлари ташкил этилди.

«Менинг бизнес ғоям» танловида 31 нафар касб-ҳунар коллеж битирувчисига 373 миллион 400 минг сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқи берилди. Натижада олтимиш

нафар битирувчи ўз иш ўрнига эга бўлди. «Ёш тадбиркор — юртга мадақкор» танловининг вилоят босқичида 22 нафар иштирокчисига 512 миллион 600 минг, республика босқичида қатнашган ўн нафар ёш тадбиркорга 240 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Бироқ Ҳаракатнинг Чироқчи, Китоб, Касби, Муборак туман кенгашлари томонидан давлат дастури ижросини таъминлашда маълум камчиликларга йўл қўйилган.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шавкат КАРОМОВ,
«Turkiston» мухбири

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ молия бошқармасида бўлиб ўтган йиғилишда Ҳаракатнинг вилоят кенгаши раиси Азамат Дархоннинг 2014 йил давомида амалга оширилган ишлар, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури»да белгиланган вазифалар, шунингдек, Ҳаракат тизимлари бюджетининг 2014 йилдаги ижроси тўғрисида ҳисоботи тингланди.

Йиғилиш давомида вилоят кенгаши раиси ўринбосари Ориф Шукуров ҳамда «Камал» болалар ташкилоти мутахассиси Элёр Норпўлатов Ҳаракат фаолиятига оид танқидий-таҳлилий ҳисоботларини ўқиб эшиттирди.

Кенгаш мажлисида «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Ўткир Шукуров, Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари Қудрат Жабберганов, Ҳаракат тизимидаги барча ходимлар, фаол ёшлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ. Огаҳий номидаги вилоят драма театрида бўлиб ўтган вилоят ҳисобот йиғилиши кўтаринки руҳда ўтди. Унда 2014 йилда амалга оширилган ишлар муҳокама этилиб, бир қатор масалалар кўриб чиқилди.

Айни пайтда вилоятда 799та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда.

Вилоят кенгаши 2014 йил давомида фаолияти йўналишлари обод этайлик!», «Ҳар бир фарзандга ҳурмат ва эътибор», «Байроғимиз ҳаётини қудрат ва бардавомлик нишониси» лойиҳалари, «Аждодлар мероси — келажак пойдевори», «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси», «Президент асарлари билимдони» кўрик танловлари ташкил этилди.

«Менинг бизнес ғоям» танловида 31 нафар касб-ҳунар коллеж битирувчисига 373 миллион 400 минг сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқи берилди. Натижада олтимиш

айнан Хоразм вилоятида ўтказилгани, унда воҳа ёшлари фахрли ўринларни эгаллади.

Кенгаш йиғилишида 2014 йил давомида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган тадбирларда фаол қатнашган ёшлар ҳамда ёшлар ташкилотини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турган корхона ва ташкилотлар диплом ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Йиғилишда «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова, Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари Маҳмуджон Эрметов ҳамда Ҳаракатнинг вилоят кенгаши аъзолари иштирок этди.

Шахло САФАШЕВА,
«Камолот» ЁИХ Хоразм вилояти кенгаши матбуот хизмати ходими

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ** кенгаши тизимида 1251та бошланғич ташкилот фаолият юритмоқда.

Вилоят кенгаши йиғилишида таъкидланганидек, ижтимоий-ҳуқуқий йўналишда олтига кўрик-танлов, эллиқдан ортиқ ярмарка, 370дан зиёд турли семинар-тренинглр, 120та учрашув ташкил этилди. Барча туман ва шаҳарларда ёшларни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида 43 маротаба учрашув ташкил этилиб, 25 минг нафардан зиёд ёшлар қамраб олинди. Бу 2013 йилгига қараганда икки баробар кўп. Шунингдек, ёшлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, одам савдоси иллатидан огоҳ этиш мақсадида «Одам савдоси — давр ғавғоси», «Ёшлар ва қонун» каби тадбирлар ташкил этилди.

Энг йирик тадбирлардан бири «Биз буюк юрт фарзандларимиз» шиори остида ўтказилган ёшлар фестивали бўлиб, унинг доирасида вилоят миқёсида 67дан ортиқ тадбир ўтказилди. «Менинг бизнес ғоям» лойиҳасида 13 нафар коллеж битирувчисига имтиёзли кредит олиш учун тижорат банкларига тавсиялар берилди. «Ёш тадбиркор — юртга мадақкор» лойиҳасининг республика босқичида уч нафар ёш ғолибликни қўлга киритди.

Ўтган йили «Камолот» шахмат тахтаси» турнирида 32 минг нафарга яқин ёшлар иштирок этган бўлса, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим муассасаларининг ўқувчи ва талабалари ўртасида ташкил этилган футбол бўйича «Камолот» кубоги мусобақаларида олти минг нафарга яқин ёш қатнашди. Бадий гимнастика бўйича ўтказилган «Камолот» гунчалари мусобақасида 200 нафар, велоспорт бўйича «Камолот-тур» мусобақасида 1800 нафарга яқин ёш иштирок этди. «Энг намунали бошланғич ташкилот»

кўрик-танловида ҳам вилоят ёшлари фахрли ўринларни эгаллади.

Йиғилиш сўнгида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Дилором АДБУҒАФАРОВА,
«Камолот» ЁИХ Тошкент вилояти кенгаши мутахассиси

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИда бўлиб ўтган йиғилишда вилоят кенгаши раиси ва раис ўринбосарининг ўтган йилда амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботлари тингланди. Йиғилишда 2014 йилда амалга оширилган ютуқлар негизда ўтказилган лойиҳаларнинг аҳамияти алоҳида эътироф этилди.

«Камолот» маликаси», «Яшил патруль», «Аёллар спорти фестивали», «Ёшлар чекишга қарши», «Камолот» шахмат тахтаси», «Камолот» кубоги», «Тўмарис спорт маликаси», «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз», «Соғлом оила», «Камолот-тур» каби лойиҳалар шулар жумласидан.

«Камалак» болалар ташкилоти тизими бўйича ўтказилган лойиҳа ва тадбирлар оралигида 118 нафар фаол, иқтидорли, ташаббускор ёш кашф этилди. Бу кўрсаткич 2013 йилга нисбатан 1,2 баробарга кўп демакдир.

Танқидий руҳ ҳамда фикр-мулоҳазаларга бой тарзда кечган йиғилишда Ҳаракатнинг айрим туман ва шаҳар кенгашлари фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар ҳам тилга олинди. Муаммолар муҳокама этилиб, жорий йилда уларни ҳал этиш ва ташкилотнинг ёшлар орасидаги нуфузини янада мустаҳкамлаш бош вазифа этиб белгиланди.

Шаҳноза РАЙИМОВА,
«Камолот» ЁИХ Фарғона вилояти кенгаши матбуот хизмати ходими

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Термиз давлат университети қошидаги академик лицейда ўтказилган «Камолот» ЁИХ вилоят кенгашининг 2014 йил якунига бағишланган йиғилишида Ҳаракатнинг вилоят, туман, шаҳар кенгашлари аъзолари, ҳамкор ташкилотлардан вакиллар ва фаол ёшлар иштирок этди.

Йиғилишда 2014 йил воҳа ёшлари ҳаётида унутилмас йил бўлгани таъкидланди. «Соғлом бола йили»да Ҳаракатнинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари томонидан 1800дан зиёд тадбир ташкил этилиб, ушбу тадбирларга 35 минг нафардан кўпроқ йигит-қизлар жалб этилди. «Ҳоким ва ёшлар» учрашувларида 12,8 минг нафардан ортиқроқ ёшлар иштирок этди.

Вилоятда ёшларнинг тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Менинг бизнес ғоям», «Ёш тадбиркор — юртга мадақкор» лойиҳалари, шунингдек, «Камалак юлдузлари», «Юрт келажаги» ва бошқа бир қатор танловларнинг ҳудудий ва маҳаллий босқичлари юқори савияда ташкил этилди.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири

МАФТУНКОР ГЕОГРАФИЯ

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Мана масалан, дунёнинг исталган бурчагида содир бўлаётган табиий жараёнлар (зилзила, тўфон, ўсимлик ва ҳайвонлар деградацияси, аҳоли популяцияси кабилар)дан тортиб ижтимоий-иқтисодий воқеа-ҳодисаларгача, улар нима учун ва қай тарзда рўй бергани, қандай оқибатларга олиб келишини географик дунёқарашга эга инсон ҳеч қийинчиликсиз таҳлил қила олади. Аммо, таассуфки, бугун кўпчилик орасида географияни билиш у қадар шарт эмас деган қараш бор.

— Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, айтайлик, ветеринар, қурувчи ёки қутқарувчи учун география қанчалик асосотида? — эътироз билдиради бир танишим. Бундай фикр одатда географияга оид билим ва тасавури ниҳоятда саёз ёки у ҳақда умуман ҳеч нарса билмайдиганлардан чиқиши мумкин. Дейлик, тарих ва математика фақат тарихчи ва математиклар учун эмас-ку. Боз устига, географияга нисбатан юқоридагидек юзаки тараққий жамиятнинг ижтимоий тараққийётига тўқинлик қилиши муқаррар. Негадигини биргаликда тушуни олишга ҳаракат қиламиз.

Мақтаб таълимидан бошласак. Юртимиздаги барча умумтаълим мактабларида география фани 5-синфдан 9-синфгача ўтилади. У иккита асосий тармоққа бўлинган — табиий ва ижтимоий-иқтисодий география. Мақтаб ўқув дастури болани Ер тузилишидан тортиб жонли ва жонсиз табиат, материк ва океанларнинг табиий ўзига хошликлари ва иқлим шароити, ҳар бир

синфда «Ўрта Осиё ва Ўзбекистон табиий географияси»ни ўта-миз. 8-синфдан бошлаб эса ўқувчилар ижтимоий ва иқтисодий географияга доир билимларни ўзлаштиради. Дастлаб юртимиз, кейин жаҳон миқёсида. Бошқача айтганда, мактабни тамомлаётган йигит ёки қиз география фани доирасида харитада муайян географик объектни кўрсата олишнинг эмас, балки Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларнинг халқ хўжалиги тармоқлари, иқтисодий, ишлаб чиқариш салоҳияти, аҳолисининг ўсиш, зичлашиш ва урбанизациялашиш динамикасини, қўйинги, ҳар бир давлатнинг бошқарув шаклидан

Ернинг шарсимон эканини исботловчи далилларни IX асрда Аҳмад Фарғоний “Астрономия асослари” асарида, XI асрда эса Абу Райхон Беруний “Ҳиндистон”, “Қонуни Масъудий” каби бир қатор асарларида келтирган.

тортиб дунё сиёсий харитасидаги ўрнигача билиши керак. Бу эса географиянинг тарих, сиёсатшунослик, иқтисодиёт каби фанлар билан ҳаммаҳасаб боғлиқ эканини кўрсатади.

Ушбу фикрни навбатдаги суҳбатдошимиз — Ўзбекистон Миллий университети ижтимоий география ва демография кафедраси профессори, Ўзбекистон география жамияти президенти Абдусами Солиев ҳам

хоҳлаган масалани еча олганидек, географиядаги қонуниятлардан хабардор киши ҳам дунёдаги кўплаб жараёнларни тўғри таҳлил қила олади, фикрлашда адашмайди.

Профессор Абдусами Солиев мактабларда география дарс соатларини кўпайтириш зарурлигини ҳам таъкидлади. Олимпнинг фикрича, шу йўл билан ёшларда географик дунёқарашни тўлиқ шакллантиришга, жамиятда эса географиянинг нуфузини оширишга эришиш мумкин. Маълумот учун айтиш керак, бугунги кунда 5-синф ўқувчиларига география фани ҳафтада бир соат, 6–9-синфларга эса икки соатдан ўтилади.

— Бу жуда кам, — дейди А.Солиев. — Тўғри, айрим Европа мамлакатларида географияни умумтаълим фанлари тизимидан умуман чиқариб ташлаш ҳақидаги таклифлар илгари сурилаётган бир пайтда, юртимизда бу фани ўқитишга нисбатан юқори эътибор қаратилаётгани кишини қувонтиради. Аммо ўқувчилар, улар билан бир қаторда, талаба-ёшлар ҳам географик билимлардан кўпроқ хабардор бўлгани яхши. Зеро, охириги ўн йилликлар мобайнида географиянинг таркиби сезиларли равишда кенгайди. Унинг негизида социогеография, геоэкология, касалликлар географияси (нозо-география), жиноятчилик географияси каби янги тармоқлар вужудга келди. Ҳозир улар мустакил соҳалар сифатида шаклланиб бормоқда. Бошқа томондан, географияга фақат ўқув предмети сифатида қараш ҳам нотўғри. Уни ёш ва қасбу қоримиздан қатъи назар, барча учун керакли билимлар тизими деб қабул қилиш, шундай ёндашувни жамиятда қарор топтириш лозим. Географик дунёқарашга эга бўлмаган одам жаҳонда рўй бераётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш у ёқда турсин, уларга эътибор бергиси ҳам келмайди. Бу эса сиёсий билимсизликка олиб келади.

Дарвоқе, юксак билим ва тафаккур ҳақида. География ва унинг аҳамияти тўғрисида сўз борар экан, буюк аллома Абу Райхон Беруний сиймосини четлаб ўтолмаймиз. Умуман олганда, табиий фанларни ўрганиш ва ривожлантиришда унинг хизматлари беқиёсдир. Президентимиз 2014 йил май ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқида XI аср бутун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан “Беруний асри” деб аталишини алоҳида таъкидлаганди.

Дунё бўйлаб саёҳат қилиш имконияти ниҳоятда чекланган, сайёрамиз географик жиҳатдан деярли таққик этилмаган ўша даврда бобомиз Ер радиусини ҳисоблаб чиқиб, дунё харитасини тузади. Дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб денгизлар назариясини илгари сурди, Колумб саёҳатидан нақ 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари ортида қитъа мавжудлигини асослаб берган эди.

Беруний география-геодезияга доир 12та асар яратган. Жумладан, “Қонуни Масъудий” асаридеги денгиз ва қуруқликлар чегаралари, етти иқлим тақсими ва дунёдаги 603 жойнинг географик координатларини



берган. Шунингдек, бир қанча асарларида Ернинг шарсимон эканини исботловчи далиллар келтирган. Таъкидлаш керак, сайёрамизнинг шарсимон кўринишига эга экани хусусидаги илмий асосланган фаразга бошқа улуг аллома аждоғимиз Аҳмад Фарғоний IX асрдаёқ фундаментали ишларида баён қилган эди.

Беруний математик география принциплари асосида дунёдаги биринчи рельефи глобус ясагани билан ҳам машҳурдир. Энди ҳақли савол туғилади: олим Ер шарини айланиб чиқмаган, ҳатто ўзи тузган харита ва глобусда кўрсатилган денгиз ва қитъаларни бирор марта кўрмаган бўлса, шунча оламшумул кашфиётларни қандай қилиб амалга оширди экан? Жавоб битта: ақл ва тафаккур кучи билан! Эҳтимол, бобомиз мантиқий фикр юритиш қобилияти эвазига географик қонуниятларни ҳам аниқлай олгандир? Ҳарқалай, жаҳон илми тарихидаги “Беруний феномени” биз, авлодларни географиянинг аҳамиятини жиддийроқ ва чуқурроқ англашга ундаса, ажаб эмас.

Беруний қомусий олим эди. У нафақат география, балки астрономия, математика, минералогия, тарих, этнография каби фанларни чуқур ўрганган, кўп қузатган, маълумотларни таҳлил қилган. Хусусан, “Геодезия” асарида ўзи

пириб бераман, — дейди пойтахтимиздаги 10-мактабнинг география фани ўқитувчиси Покиза Мирсағатова. — Улар мени мароқ ва ҳайрат билан тинглашади. Замонавий таълим жараёнида компьютер технологиялари, мультимедиа воситалари кенг қўлланилаётганига қарамай, глобус ҳали-ҳануз география кабинетларидаги асосий ўқув қуроли бўлиб келмоқда. Унинг ўрнини харита ҳам босолмайди. Сабаби глобус ўқувчига ернинг тузилиши ҳақида аниқ тасаввур беради, яъни ернинг юмалоқлигини кўрсатиб туради. 2008 йилда мактабимиз қайта таъмирлангандан сўнг бизга иккита глобус олиб келинди. Ҳозир бундай ўқув қуроллари республикамизнинг ўзиде маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётгани жуда яхши. Сотувда она тилимизда чиқарилган глобуслар ҳам бор. Мен мактабларимизда глобуслар кўпайишини хоҳлардим. Қани эди, ҳар бир партада ўқувчи олдида биттадан глобус бўлса. Шунда ёшларнинг географияни ўрганишга иштиёқи яна ҳам ошарди, билимларни мустаҳкамлаши эса осонлашарди.

Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактабларининг география синф хоналарини янги мебель ва зарур ўқув жихозлари билан таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Беруний астрономия, математика, география, геодезия ва картография, минералогия, фалсафа, тарих, этнография, адабиёт каби фанларга оид 150дан зиёд илмий ишлар яратган. Шундан бизгача фақат 31таси етиб келган.

нинг глобуси ҳақида шундай ёзади: “Турли асарлардаги маълумотларни тўпладим, ноаниқликларни аниқлаб, билимининг шу соҳасини мукаммаллаштирдим. Даставвал сайёҳлардан ҳамда ўзим кўрганлардан, эшитганларимга асосланиб, масофа маълумотлари ва жой ҳамда шаҳарларнинг номларини аниқлашни бошладим. Жой ва шаҳарлар учун диаметри 10 чўзим келадиган ярим қурра ишладим”.

Ернинг тузилиши ҳақидаги айрим маълумотларни Беруний астрономик билимларга асослаб тўплади. Айтиш керак, ҳозирги кунда ҳам юртимиз мактабларида география коинот илми билан боғлаб ўтилмоқда.

— Дарсда ўқувчиларимга Беруний ясаган глобус ҳақида га-

Охириги ўн йил мобайнида география кабинетларига 12472та ўқув мебеллари тўплами, 25 мингга яқин глобус ҳамда 21 мингдан зиёд харита етказиб берилгани фикримизни исботлайди. Бу йўлдаги ишлар давом этади, албатта. Ўз навбатида, мактаб таълимини ривожлантиришга кўрсатилаётган бундай эътибор география фанини ўқитиш сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Зеро, улуг Фарғоний Берунийнинг бугунги ворислари учун яратилган шароит ва имкониятлар уларни географиянинг янги горизонтларини очишга ундаса не ажаб?

**Наргиза УМАРОВА,
“Turkiston” муҳбири**



худуд географик жойлашувининг иқтисодий параметрлари, аҳоли ижтимоий ҳаётига таъсири, табиий ресурслар, транспорт, санот ва бошқа тармоқларнинг ривожланганлик даражаси билан таништиради. Қисқаси, географияни пухта ўрганган одам учун бутун дунё қафтдек намоён бўлади десак, муволафгага йўманг.

— Мақтабда ўқувчилар биринчи навбатда табиий географияни ўрганади, — дейди Навоий шаҳридаги 11-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби география фани ўқитувчиси, “Илм ўқитувчиси” республика танлови соҳиблари Рустам Абдиев. — 5-синф дарслиги уларни географиянинг тарихи, мақсади, таққикот усуллари, бу фан ривожига беқиёс ҳисса қўшган аллома юртдошларимизнинг ишлари билан таништиради. 6-синфда ўтиладиган «Материк ва океанлар табиий географияси» курсида ўқувчиларга Ер юзасининг шаклланиш тарихи, рельефи, табиати, иқлими, геологик тузилиши, табиий географик ўлкалари ҳақида маълумот берилади. 7-

тадқиқлади.

— Географик билимларсиз мактаб, лицей ёки коллеж битирувчиси бирорта ҳам соҳага кириб боролмаслиги аниқ, — дейди олим. — Афсуски, мактабларимизда география дарс соатлари қисқаряпти. Менинг шахсий фикрим шуки, мактабда ўтилаётган географияни кўпдан-кўп рақамлардан қутқариш керак. Дунёнинг энг банд нуктаси қаер, океаннинг энг чуқур жойи қайси, энг узун дарё қандай номланади каби саволлар билан боланинг миёсини бироз чарчатиб қўяётгандекмиз, назаримда. Дарсда ўқувчига қитъа ва мамлакатлар дунёнинг қайси томонида жойлашгани, иқлими ва рельефи қандайлигини, қайси соҳаларда етакчи ўрин тутишини айтибгина қолмай, нимага шундайлигини тушунтириш муҳим. Шунда у географиянинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини англайди. Зотан, географиянинг ҳам ўзига яраша қонуниятлари бор. Буларни мактабда ўргатиш керак. Физика ёки математикада муайян теоремани билган одам

14-fevral — Zahiriddin Muhammad Bobur tavallud topgan kun

БОБУР ТОШБИТИКЛАРИ

Истиқлол тантана қилган Ўзбекистонимизда бугун, биринчи мартаба якка шахс ҳақида қомус яратилди. Бу – жаҳон тарихининг оламшумул сиймоларидан бири, буюк давлат арбоби, улуғ саркарда, беназир адиб ва шоир Бобур ҳақидаги “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси” дир.

Жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан бири, ўзбек халқининг машҳур фарзанди Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг нисбатан қисқа, аммо кўп қиррали, сермазмун, мураккаб ҳаёти ва фаолияти давомида беқиёс тарихий ва ижодий мерос қолдирган.

Энциклопедиянинг биринчи саҳифасида Юртбошимизнинг “Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг довруғини дунёга таратган буюк аждодларимиздан бири ўларок, ул зот бизни ўтмиш тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади...”, деган пурмаъно сўзлари келтирилган.


64 босма тобоқли бу улкан энциклопедияни яратишда ўзбек бобуршунос олимлари қаторида Япония, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистон ва Европалик олимлар ҳам фаол иштирок этди.

Умрининг салкам қирқ йилини Бобур ижодига бағишлаган япон олими Эйжи Мано энциклопедиянинг юқори савияда тайёрланганини эътироф этаркан, уни жаҳондаги

барча шарқшунослар учун муҳим қўлланма бўлмоғи лозим деб баҳолаган.

“Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси” жуда кўп илмий муаммоларни ечган ва зарур илмий тавсифларни амалга оширган: темурийлар, бобурийлар, шайбонийлар, чингизийлар шажаралари; аруз илмининг муаммолари, шеър санъатлари тавсифи, Навоий ва Бобур муносабатлари, ўзбек тили ва миллатининг келиб чиқиши ва тадрижий тараққиёти; бунда Амир Темур ва темурийларнинг ўрни яхши талқин этилган. Бобур замондошларининг кўп қисми Навоий замондошлари эканлиги ҳам ушбу икки қомусни бир-бирига яқинлаштиради, талқинлар бир-бирини тўлдирди.

Навоий тарбиясини олган Хондамирнинг кейинги йиллардаги ҳаёти Бобур даврасида кечгани, Ҳирот олимларининг кўпи Ҳиндистонга боргани шундай ҳолатлардандир. Бобур қомусини ўқиган киши Бобурнинг ўзи ҳозирги Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон



қомусини XVI асрдаёқ “Вақоъ” (“Бобурнома”)да яратиб қўйганига амин бўлади.

“Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”даги тошбитикларнинг айримлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак.

Машҳур Бобур тоши сифатида тилга олинадиган, “Бобурнома”да муаллифнинг ўзи тошга ўйиб ёзди деган байти:

Мазмуни:

*Эшитганим борки,
Жамшеддек номдор
Бошбулоқ тошига
ёздирди ёдгор:
“Бу булоқ бошига
кўплар етдилар
Кўз юмиб очгунча
йитиб кетдилар.
Мардлигу зўрлик-ла
жаҳонни олдик,
Лекин қабристонга
қуруқ йўл солдик».*

Бобур тоши Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”лари ва Соҳибқирон Амир Темурнинг Улуғ тоғ(Қозоғистон)даги тошбитиги билан алоқадордир. Чунки “Зафарнома”ларда ушбу матннинг дастлабки икки байти келтирилган.

Ушбу тошбитикнинг ёзилиш санаси “Бобурнома”да 907 йил (мелодий 1502) воқеалари баёнида берилган. Ҳолбуки, юрак шаклидаги қайроқтошда битилган матн остида 917 (мелодий 1512) санаси турибди. Бу эса, ушбу тош битик “Бобурнома”даги воқеалар санасига таҳрир киритишни талаб қилмоқда.

Тошбитикда ёзилган матндаги тарихий сана олдида “Ҳарару Бобур” (Мен Бобур ёздим) деган ёзув ҳам борки, бу сўзлар тошбитик ёзувларининг Бобур қўли билан битилгани, унинг мангуликка аталган дастхати эканидан далолат беради.

Бобур номидаги халқаро жамоат фондининг илмий экспедициясининг 2009 йил сентябрь ойи сафарида (Ўзбекистон – Қирғизистон – Тожикистон – Афғонистон – Ўзбекистон) Зокиржон Машрабов бошлиқ етти кишилик жамоа Оббурдон қишлоғида (Тожикистон Республикаси Масчо тумани) бўлиб, Бобур тошбитикларини излаш жараёнида маҳаллий зиёлилар-

Заҳириддин
Муҳаммад Бобур
каби мумтоз
инсонларни
дунёга берган
халқ ҳеч қачон
хор бўлмайди,
муқаррар тарзда
саодатга эришади.

Ислоҳ Каримов

дан Мулла Умарқул бизни Шамтуч қишлоғидаги Дуруст қабристонига бошлаб борди. Зарафшон дарёси соҳилидаги бу жойнинг чеккасида ердан бир вақтлар отилиб чиққан қоп-қора харсангларда Бобурнинг навбатдаги дастхатини ўқидик.

Мазмуни:

*Эй кофир,
эй одам овчиси!
Бир лаҳза шошма.
Шўрлик кийик
турклар ўқига
бардош беролмайди.*

Тарам-тарам бўлиб ёрилган харсангдаги бу ёзув остида 907 йил (1502) санаси қўйилган. Бошқа котиб бу тошбитикнинг кимнинг қўли билан ёзилганини тасдиқлаган: “Катабаи мирам Бобурхон” (амирим Бобурхоннинг ёзувлари). Бу ёзувлар 907 йил санаси ёнгинасида эди.

Ваҳоб РАҲМОНОВ

«...ҚОЛДИ ФАЛОНДИН ЯХШИЛИҒ!»



(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Улуғ юртдошимиз нафақат ўзбек халқи маданияти ва давлатчилиги тарихида, балки жаҳон цивилизациясида ҳам муҳим ўрин тутди. Аллома шоир ижодини пухта ўрганиш, тадқиқ этиш буюк аждодларимиздан қолган улкан ва бебаҳо маънавий мероснинг вориси сифатида ҳар биримиз, айниқса, биз, бугунги давр ёшларининг шарафли вазифамиз, муқаддас бурчимиздир. Бунинг учун юртимизда барча имконият ва шароитлар яратилган.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ кўплаб олиму фозиллар, шоиру адиблар қатори ҳазрати Бобур шахси ва ижодига, илмий ва ижтимоий фаолиятига муносабат ҳам тубдан

ўзгарди. Унинг улкан бадиий меросини чуқур ўрганиш, тарғиб қилиш масаласига устувор аҳамият қаратилди. Хусусан, Юртбошимиз ташаббуси билан 1992 йилда Андижон шаҳрида Бобур номидаги халқаро жамоат фонди таъсис этилди. Шоир ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Халқаро миқёсда фаолият юритаётган мазкур фонд кўҳна тарихимиз ҳақиқатларини кенг оммага етказиш, маънавиятимизни янада юксалтириш, заманимиздан етишиб чиққан буюк аждодларимиз меросини илмий тадқиқ қилиш каби қатор хайрли ишларда фаол иштирок этиб келмоқда.

— Ўтган йиллар давомида фондимиз томонидан Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Покистон, Бангладеш ва бошқа

кўплаб давлатларга илмий экспедициялар уюштирилди, — дейди Бобур номидаги халқаро жамоат фонди раиси ўринбосари Рустамжон Мамасолиев. — Бу илмий экспедициялар давомида аждодларимизнинг ҳаёти ва ижоди, кўҳна тарихимизга оид кўплаб ноёб қўлёзма ва маълумотларга эга бўлдик. Улар асосида 30дан ортиқ китоб чоп этилди, 27та ҳужжатли фильм яратилди, Бобур ва бобурийлар тарихига оид 300дан ортиқ ноёб китоб ва қўлёзма асарлар илмий истеъмолга киритилди.

Бобур фонди ташаббуси билан Андижон шаҳрининг жануби-шарқий томонидаги Боғишамол даҳасида Бобур номидаги миллий истироҳат боғи барпо этилди. “Бобур ва жаҳон маданияти” музейи ташкил қилинди. Унинг мовий гумбази остидаги деворларига “Бобурнома” асари асосида чизилган расмларни томоша қиларкансиз, гўё ўзингизни ўша даврга тушгандек ҳис этасиз.

— Музейда темурийлар, бобурийлар сулоласининг бой тарихига оид 600дан зиёд ноёб китоб ва экспонатлар жамланган, — дейди Рустамжон Мамасолиев. — Жумладан, Мирзо Бобур ихтиро қилган Бобурий хати билан битилган Куръони Каримнинг Машҳад нусхаси, Техроннинг “Гулистон” музейидан олиб келинган “Бобур куллийети”, шунингдек, Бобур даври қурол-аслаҳалари, сарой аҳли кийимлари, бобурий подшолар зарб қилдирган танга пуллардан намуналар қўйилган.

Сўлим ва гўзал масканга айланган бу жой ҳамиша гавжум. Музей экспо-

зицияси улуғ ватандошимиз ҳаёти ва ижоди, унинг жаҳон адабиёти ва маданиятида тутган ўрни, бобурий шаҳзодалар — Акбаршоҳ, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон салтанатлари, Бобур боғлари, гўзал ва мафтункор Тожмаҳал обида-си ҳақида маълумотлар беради. Ундаги экспонатлар Бобурнинг буюк шоир, тарихчи олим, табиатшунос, тилшунос, мухтасар айтганда, қомусий билимлар соҳиби бўлганидан далолат беради. Мазкур масканда шоирнинг адабий мероси, хусусан, бетакрор шеърини, ғазал, рубоий, мухаммас, фард ва китъалари, мусиқа тарихи, жанг санъати, тилшуносликка оид рисолалари ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Музейнинг икки ёнидан ўтган мармар зинали йўл яна ҳам юқорига, сўнгги супага олиб чиқади. Бу ерда Бобурнинг рамзий қабр-сағанаси ўрнатилган. Огра ва Кобулдаги Бобур қабрлари хокидан келтирилиб, мухташам рамзий мақбара бунёд этилган.

Унинг хоки ўзи туғилиб ўсган Андижон шаҳрига келтирилди. Бу эзгу ишлардан кўзланган мақсад инсониятнинг абадиятга дахлдор буюк ўзбек фарзанди ҳаёти ва ижодини кенг миқёсда ўрганишдир. Зеро, буюк аждодларимиз ҳаёти, ижоди билан муфассал танишиш ҳар бир юртдошимиз, айниқса, тенгдошларимиз учун улкан ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши муқаррар.

Назокат ҚУРБАНИЯЗОВА,
«Turkiston» муҳбири

«Kamolot» hududi

ЕТАКЧИЛАРГА КЎМАКЧИ



Ўқув-семинари давомида иштирокчиларга етакчининг имижини шакллантириш, ўқувчи-ёшларни Ҳаракат лойиҳаларига жалб этиш, «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловига тайёргарлик жараёнлари, «Камалак» сардорлари ва «Камолот» фаолларининг фаолияти самарадорлигини ошириш каби масалалар юзасидан билим ва услубий тавсиялар берилди.

Шу билан бирга, бошланғич ташкилотда юритиладиган ҳужжатлар йиғма жилдлари номенклатураси мавзуларини ўрганишга бағишланган интерфаол ўйинлар ўтказилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги «Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасаси Хоразм вилояти координа-торлари томонидан Хонқа туманидаги мактабларнинг бошланғич ташкилот етакчилари учун ўқув-семинари ўтказилди. Тадбир-да 27-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг ижод намуналари кўргазмаси ташкил этилди.

— Бугунги тадбир ҳамкасбларимиз билан ўзаро тажриба алмашиш, кўникмамизни ошириш имконини берди. Олган билимларни етакчилик фаолиятимда, албатта, татбиқ этаман, — дейди 35-умумтаълим мактабидаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Ҳилола Турдиева.

Моҳира ОТАЖОНОВА,
«Ўқув услубий марказ» нодавлат таълим муассасаси Хоразм вилояти координатори

Shukronalik

ЁРУҒ КЕЛАЖАКНИНГ МУНОСИБ ЭГАЛАРИ

Истиклол даврида юртдошларимизнинг дунёқараши, тафаккури тубдан ўзгарди. Бугунги ўзбек фермери нафақат мамлакатимиз, балки дунёнинг қайси давлати қишлоқ хўжалигининг қайси соҳасида етакчилик қилишидан яхши хабардор. Кўйинги, олис бир қишлоқнинг мактаб ўқитувчиси ҳам жаҳонда қандай воқеа-ҳодисалар ва нима учун содир бўлаётгани ҳақида қийинчиликсиз сўзлаб бериши мумкин.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда барча соҳаларда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераёпти. Бунинг замирида халқимиз йиллар давомида бир тану, бир жон бўлиб қилган матонатли меҳнати, ўз келажагига бўлган қатъий ишончи ётибди.

Кўлга киритган ютуқларимизда ёшларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Уларнинг юрт равнақи йўлидаги фаолияти, изланишлари ва ютуқларидан кўксимиз ғурурга тўлади. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг муҳим устувор йўналиши этиб белгиланган. Ўғил-қизларимизнинг эзгу умидларини, иқтидорини рўёбга чиқариш, келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлаш юртимизда изчил олиб борилаётган ислохотларнинг асосига айланган. Бу ҳам бўлса, Президентимизнинг истиқлол фарзандларига бўлган чексиз

ғамхўрлиги, оталарча меҳри туфайлидир. Айтиш керакки, ҳозирги ёшларнинг дунёқараши ўзгача. Улар ҳаётга теран назар билан қарайди. Ёшлар деганимизда замонавий техника билан бемалол «тиллашиб», янги русумдаги энгил машиналарни ишлаб чиқаришда иштирок этаётган ёш мутахассис, лабораторияда илмий изланишлар олиб бориб, фанга янгилик киритаётган ёш олим, Ватанимиз сарҳадларини кўриқлаётган ёвқур йигит, халқаро фан олимпиадалари, нуфузли спорт беллашувларида юзлаб тенгдошларини орқада қолдириб, юртимиз байроғини боши узра баланд кўтарётган ўқувчи ёки спортчи кўз олдимизга келади. Яна қанчадан-қанча ўзбек ёшлари дунёнинг нуфузли олий таълим муассасаларида таҳсил олаётганини айтмайсизми?!

Бугун Ўзбекистон ёшлари замонавий ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллаб, бир неча тилда

бемалол мулоқот қиляпти.

Биз — педагог, устозлар ёшлар билан ҳар куни мулоқот қиламиз. Уларнинг фикр, таклиф ва мулоҳазаларини эшитамиз. Тан олиш керак, баъзан саволларига жавоб топишга қийналамиз ҳам. Яширишнинг ҳожати йўқ, айрим ёшларда яхши яшаш, ҳаммасига бирданига эришишга иштиёқ сезилади. Шундай вазиятларда уларга бундан 25-30 йил илгари юртдошларимизнинг ҳаёти, имкониятлари қандай бўлганини ҳозирги давр билан қиёслаб гапириб бераман. Масалан, собиқ тузум даврида Ўзбекистондан қанча ёш хорижий давлатларда ўқиш имкониятига эга эди? Улар халқаро спорт мусобақалари, фан олимпиадаларида қатнаша олармиди? Агар бу саволларга бугунги кун нуқтаи назарида жавоб излайдиган бўлсак, истиқлол юртдошларимиз, айниқса, ёшларга қанчалик кенг имкониятлар яратгани яққол аёнлашади.

Ёшларимиз ҳар жабҳада эришаётган муваффақиятларга гувоҳ бўлар эканмиз, ҳақли равишда: «Бу ёшлар — бизники, улар ёруғ келажагимизнинг муносиб эгаси!», — дея баралла айтгимиз келади.

Юсуф ҲАМДАМОВ,
Ўзбекистон Миллий университети доценти

Barhayot an'analar

Лаган, лавҳ, стол-стулчалар, шахмат тахталари, безакли қутчалар... Уларда машаққатли меҳнат, сабр-қаноат, чуқур дид ва истеъдод, қолаверса, инсон қалбининг бир парчаси мужассам. Оддий ёғочни санъат даражасига олиб чиққан хунарманд ижоди кишини мафтун этади.

АЖДОДЛАР МЕРОСИНИ АРДОҚЛАБ



ЎЗА фотохудожлари Темур МАМАДАМИНОВ олган сурат

Мамлакатимизда асрлар оша яшаб келаётган бадий хунармандлик анъаналарини асраб-авайлаш ва янада бойитиш учун барча шароитлар яратилган. Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Бугун минглаб ёш йигит-қизлар ўзлари қизиққан хунар билан шуғулланмоқда. Ана шундай ёшлардан бири «Баркамол авлод» республика болалар ижодиёти маркази ёғоч ўймакорлиги тўғрисида аъзоси Абдурахмон Ҳожимуродовдир.

— Отам хунармандлик мактабига бошлаб келганида саккиз ёшда эдим, — дейди А.Ҳожимуродов. — Ўша пайтда ўзим тенги болаларнинг ёғочдан турли буюмларни ясаётганини кўриб, халқ амалий санъатига меҳрим тушди. Мана, орадан ўн бир йил ўтса ҳамки, ўша ҳис мени тарк этгани йўқ.

Абдурахмоннинг айтишича, у дастлаб усталар ясаган буюмларни бўяган, ўзи ҳам кичик шаклдаги буюмларни тайёрлаган. Тажрибаси ортагач, унга устози, тажрибали ўймакор уста Саидкомил Хўжаев эшик, равоқ, пештоқ ясашни ўргата бошлаган.

— Ёғоч ўймакорлиги қадимдан катта шуҳрат қозонган ўзига хос санъат тури ҳисобланади, — дейди С.Хўжаев. — Бир неча аср олдин моҳир усталар томонидан ишланган бинокорлик қисмлари, эшик, равоқ, панжаралар ўзининг нафислиги билан бугун ҳам кишини ҳайратга солади. Шу боис ёғоч ўймакорлиги санъати сирларини ёшларга чуқур

ўргатиш бурчимиздир.

Ёш хунарманднинг устахонасида турли асбоб-ускуналар, ёғочга ишлов берувчи махсус мосламалар, уч-тўрт йил мобайнида табиий шароитда қуритилган ёғоқ, чинор ёғочлари ўрин олган. Шинам бу устахона хунарманднинг қўлида оддий ёғоч бўлаги маълум муддатдан сўнг санъат асарига айланишига кўп бор гувоҳ бўлган.

Сабр-бардош билан қилинган меҳнат ўз мевасини бермай қолмайди. Абдурахмон дастлаб ёш хунармандлар ўртасида ўтказилган танловларда фаол қатнашиб, фахрий ёрлиқлар билан рағбатлантирилди. Бундан руҳланган ёш ўймакор ўз фаолиятини янада такомиллаштиришни дилига тугди.

2009 йил унинг фаолиятида унутилмас йил бўлди. Ўша йили ўн икки ёшли хунарманд мамлакат миқёсида ўтказилган танловда биринчи ўринни эгаллади. Истеъдодли ёш хунарманд ясаган буюмлар нафақат танлов ҳайъати, балки кўплаб санъат ихлосмандларининг ҳам эътирофига сазовор бўлди.

— Хунари бор элда азиз, дейди халқимиз. Хунарли киши оила тебратиш билан бирга кўпчиликнинг оғирини энгил қилади, эл-юрт корига ярайди, — дейди Абдурахмоннинг отаси Абдували Абдусаматов. — Ўғлим шу савобли ишга бел боғлаганидан жуда хурсандман.

Абдурахмон Ҳожимуродов ҳозир пойтахтимиздаги Республика рассомлик коллежидан таҳсил олиб, билим ва маҳоратини янада оширомоқда. У келажақда моҳир хунарманд-уста бўлиш ниятида.

Даврон СУННАТОВ,
ЎЗА муҳбири

«Kamolot» ko'zguşi

Битирувчилар бизнес тренингларида

Республикамизда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари ўртасида ўтказилган анъанавий «Менинг бизнес гоям» танловига тайёргарлик жараёнлари бошланди. Одатдагидек танловнинг саралаш босқичлари олдида кўнгилли тарғиботчилар учун семинар-тренинглари ҳамда жойларда тарғибот ишлари олиб борилмоқда.



Навбатдаги семинар-тренинг Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб ўтди. Тадбирда лойиҳанинг шаҳар ва туманлардаги бизнес тренерлари қатнашди. Улар асосан, Ҳаракат фаолларидан таркиб топган кўнгилли ёшлардир. Иштирокчиларга «Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши қошидаги «Ёш тадбиркор» консултатив маркази мутахассислари томонидан танловни ўтказиш тартиби, унда қатнашиш шартлари, бизнес режа ёзиш талаб-

лари, тадбиркорлик соҳасини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, кичик бизнес субъектининг юридик мақомини танлаш, брендинг ва маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, солиқ тўловлари, тижорат банкларининг кредит сиёсати ҳамда хусусий ишини бошламоқчи бўлганлар учун зарур бошқа маълумотлар берилди. Энди бизнес тренерлар билганларини ўз ҳудудларидаги ўқувчи-ёшларга етказишлари керак.

Тарғибот доирасидаги дастлабки учрашувлар Қарши агробизнес ва тадбиркорлик, ахборот технологиялари, банк, иқтисодиёт коллежлари, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги «Нуристон» академик лицейида Савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари ходимлари иштирокида ташкил этилди. Битирувчилар мулоқот давомида бизнесга доир саволларга мутахассислардан атрофлича жавоб олдилар.

«Kamolot» faollari

Луқмонбойнинг илмга меҳр қўйишида Қўшработ туманидаги 85-умумтаълим мактабида она тили ва адабиёт фанларидан 50 йилдан зиёд сабоқ бериб, ёш авлодга илм-маърифат тарқатган бобоси Ёрбек ота Тўйма-новнинг ҳиссаси катта бўлган.

МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ

Болалигида бобосиникига келганда кутубхонасидаги китобларга ҳавас билан қарар, ёшига мосларини бобоси унга танлаб берарди. «Яна келганингизда бошқа бирини ўқийсиз, фақат китобни авайланг, ўғлим, варағини йиртмай, юзига ёзиб-чизмай ўқисангиз, китоб сизни юксакликка етаклайди», — дея насиҳат қиларди. Бу ўғитга қулоқ солган қаҳрамонимиз ҳаётда кўп муваффақиятларга эришди: энг аввало, китоб билан дўст тутинди. Шунинг ўзи бошқа ютуқлар учун кифоя қилди. Масалан, ўтган йили «Заковат» кўрсатувида «Йилнинг энг кўп савол юборган муаллифи» номинацияси бўйича тақдирланди.

Раҳматулла ака рафиқаси Нодира опа билан фарзандлари тарбиясига, уларнинг илм олишига алоҳида эътибор қаратди. Натижада фарзандлар олий маълумотга эга бўлди.

Луқмонбой Асатов 2001 йилда тумандаги 85-умумтаълим мактабини аъло баҳоларга тамомлади. Самарқанд давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетида ўқишга кирди. 2007 йилдан буён «Агробанк» акциядорлик тижорат банкининг Қўшработ тумани филиалида ҳуқуқшунос маслаҳатчи сифатида хизмат қилмоқда.

Тенгдошимиз тумандаги маҳаллалар, умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежларида ёшларга юртимизда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, диний оқим ва салбий иллатлар таъсиридан асраш мақсадида «Камолот» ЁИХ ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилаётган тарғибот лойиҳалари, маънавий-марифий тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда.

Ўтган йили Республика Маънавият тарғибот маркази, Маънавият ва маърифат кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар билан бирга ўтказилган «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловининг республика босқичида ўлкашунослик йўналишида голибликни қўлга киритди.

Наргиза БАҲОДИРОВА

Анора НОРБОВА

Янги бошланғич ташкилот тузилди

Жиззах вилояти газ таъминоти бошқармасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти тузилди.

Мазкур бошланғич ташкилот таркиби муассасага қарашли 15та туман ва шаҳар газ таъминоти бўлимлари ҳамда уларда меҳнат қилувчи 240 нафарга яқин ёш ишчи-ҳодимдан иборат. Янги тузилма ёшларнинг касбий, ижодий ва интеллектуал

салоҳияти, ижтимоий фаоллиги, сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, турли муаммолар ечишида кўмаклашишга хизмат қилади.

— Бошқарма маъмурияти фаолиятимизни бошлаш учун барча керакли шароитларни яратди, — дейди Жиззах вилояти газ таъминоти бошқармасидаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Улуғбек Абдуллақимов. — Бизга алоҳида хона ажратилган. Уни Ҳаракатнинг Устави ва Дастури, бошланғич ташкилот ташкилий

тузилмаси, фаолияти йўналишлари ва бошқа маълумотлар акс этган плакатлар билан жиҳозладик. Жорий йилда маънавият, спорт, санъат каби соҳаларда бир қатор лойиҳаларни амалга оширишни режалаштиряпмиз.

Эслатиб ўтамиз, айни пайтда Жиззах вилоятида Ҳаракатнинг жами 807та бошланғич ташкилоти мавжуд. Шундан 183таси корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатмоқда.

Мутафаккир боболаримизнинг ҳар бир сўзи биз, бугунги ёш авлод учун бебаҳо мактабдир. Юсуф Хос Ҳожиб, Лутфий, Носируддин Рабғузий, Алишер Навоий, Бобур сингари донишманд шоиру адибларимизнинг ўлмас асарларини мутлола қилганида ўзимизни руҳан юксакларда ҳис қилишимиз ҳам бежиз эмас.

АЖДОДЛАРГА ЭҲТИРОМ

Шу кунларда адабиёт муҳлислари кенг нишонлаётган байрам — Алишер Навоий ҳамда Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд айёмларига бағишланган маданий-маърифий тадбирларда иштирок этганлар учун бу туйғу бегона эмас.

Ана шундай тадбирлардан бири Олмазор тиббиёт коллежида ташкил этилди.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги «Камолот» ЁИХ етакчилар кенгаши ҳамда Олмазор тиббиёт коллежи ҳамкорлигида ташкил этилган «Бобурийлар тарихига бир назар» мавзудаги маънавий-маърифий

тадбирда коллеж ўқувчилари улуғ шоир ижодидан намуналар ўқиди, сахна кўринишлари намойиш этди, мумтоз кўшиқлар куйлади. Сўзга чиққанлар Бобуршоҳ ва бобурийларнинг юртимиз ҳамда жаҳон тарихида тутган ўрни, шоир Бобурнинг адабиётдаги мавқеи ҳақида сўзлади.

Тадбир доирасида иншо ва расмлар танлови ўтказилиб, фаол иштирокчиларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Зарнигор АБДУМАЛИКОВА,
«Turkiston» муҳбири

Farzandlari sog'lom yurt
qudratli bo'lur

ФАРРУХ — ҚОРА БЕЛБОҒ СОҲИБИ

Зомин тумани Даштобод шаҳридаги 50-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Фаррух Ҳусановнинг спортга меҳри баланд. Қаҳрамонимиз таэквондонинг WTF йўналиши бўйича вилоят ва республика миқёсидаги турнирларнинг доимий иштирокчиси. 2014 йилда у мамлакат чемпионатида кумуш медални қўлга киритди.

— Спорт ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган, — дейди қора белбоғ соҳибни Фаррух Ҳусанов. — Мактабда спорт билан шуғулланишимиз учун барча шароит бор. Бу каби имкониятлардан самарали фойдаланиб, келажакда юртимиз байроғини жаҳон ареналарида баланд кўтаришни мақсад қилганман.

Шоҳсанам МАҲМУДОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси



Bilib qo'ygan yaxshi



Халласи Бобур Миързо ҳақида

Заҳриддин Муҳаммад Бобур орфиқча таъриф ва таъсирга муҳтож эмас. Буюк ватанпарварнинг ҳаловатсиз, аммо барақамли қири қаволида кўрган-кечирганлари, амалга оширган ишлари ҳақида эл орасида юрадиган гапларнинг ўзи неча достон бўлади.

Муҳаббатлик йилларида қилган шайх ва ижоди янада чуқурроқ

таъқик этилди, таваққуф қилинган кенг нишонлана бошланди. Хусусан, Президентимиз фармонида кўра 1993 йилда Бобур таваққуфнинг 510 йиллиги тантанали нишонланди. Кўп жойларга буюк добоқалонимиз номи берилди.

Андижон шаҳрида нуфузли университет, театр, кутубхона, миллий боғ («Боғи Бобур»), шаҳардаги марказий кўчалардан бири, шунингдек, пойтахтимиз — Тошкент шаҳридаги истироҳат боғи ва кўча, Андижон вилояти Хонобод шаҳридаги истироҳат боғларига Бобур номи берилган.

Мамлакатимизда Бобур номидаги медал таъсис этилди. Ушбу медалга илк бор шарқшунос олим Убайдулла Каримов сазовор бўлган.

Табиатшунос олим Зокиржон Машрабов раҳбарлигидаги Халқаро Бобур жамғармаси буюк шоир ижодини тадқиқ этишда катта ишларни амалга оширди. Жамғарманинг илмий экспедицияси ўндан зиёд мамлакатлар бўйлаб сафарлар уюштириб Бобур ва бобурийлар қадамжолари, илмий меросига оид янги маълумотларни тўплади. Улар асосида З.Машрабов, С.Шокаримовнинг «Асрларни бўйла-

ган Бобур», Х.Султоновнинг «Бобурнинг тушлари», «Бобурийнома», С.Жалиловнинг «Бобурнинг Фарғона давлати», «Бобур ва Андижон», Қ.Кенжанинг «Ҳинд сориға», Р.Шамсидиновнинг «Бобурийлар сулоласи», Т.Низомнинг «Уч сўз» каби асарлари, ўнга яқин ҳужжатли ва видеофильмлар яратилди.

1998 йилда илк марта таниқли ижодкорлардан Пиримқул Қодиров, Сабоҳат Азимжонова, Файбуллоҳ ас-Салом, Неъматилла Отажонов, Хайриддин Султонов, Эйжи Мано (Япония), Муҳаммадали Абдуқундузов, Мақсуд Юнусов, Шафиқа Ёрқин (Афғонистон), Маъмуржон Тўхтасинов, Равшан Миртожиев, Маждид Турсунов, Раҳмонжон Азимов,



Муҳаммадҷон Мирзаевларга жамғарманинг бобуршунослик соҳасидаги халқаро мукофотлари берилди.

«Бобурнома» XV аср ўзбек бадиий насрининг ёрқин намунасидир. Асар соф бадиий лавҳалар, жонли тасвирлар, анъанавий лирик чекинишларга жуда бой. Насрий матн ичида келтирилган халқ мақол-мақаллари, иборалари, ибратли ўғитлар, шеърый парчалар унинг бадиийлигини янада оширади, ўзига хос жозиба бағишлайди. Жаҳон адабиётининг нодир дурдоналаридан ҳисобланмиш мазкур асар ҳинд, инглиз, италян, рус, голланд, француз, форс, немис, урду каби хорижий

тиллارга таржима қилинган. Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Япония, Туркия, Англия, АҚШ, Франция, Россия каби ўнлаб давлатлар олимларининг илмий тадқиқотларида «Бобурнома» инсоният яратган ўлмас обидалар қаторида алоҳида ўринда туриши таъкидланади.

Бу бебаҳо асар биргина Англиянинг ўзида тўққиз марта нашр этилган.

«Бобурнома» асарига ишланган миниатюралар гоҳат катта бадиий қимматга эга. Миниатюраларда тарихий воқеалар, маиший манзаралар, жанг лавҳалари, ов ва спорт ўйинлари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, турли сиёсий воқеалар, учрашувлар тасвирланган.

Майсара НАЗАРОВА тайёрлади.



Нақрис, бетакрор ва ёрқин

Навоий шаҳрида яшовчи Дилобар Ёдгорова халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ёшлардан. У ҳунармандчиликнинг замонавий аппликация йўналиши сирларини пухта ўзлаштирган.


Дилобарнинг ўзига хос услубда тикаётган чойнакпўш, елпигич, дўппи, сўзана ва миллий

либослари нафислиги, бетакрорлиги ва рангларининг ёрқинлиги билан ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

СУРАТДА: (чапдан) ҳунармандлар Феруза Ҳосилова ва Дилобар Ёдгорова.

ЎЗА фотомухбири

Сирож АСЛОНОВ олган сурат



Ҳижронда, сабо, етти фалакка оҳим,
Гар ул сори борсанг, будурур дилхоҳим.
Ким, арзи дуо ниёз ила қилгайсен,
Гар сўрса мен хастани Гулруҳ, Моҳим.

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг мазкур рубойида Гулруҳ ва Моҳим номлари билан кимга ишора қилинганини айтинг.

Жавобингизни **17 февраль** соат **16:00**га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади. Саволларга энг кўп тўғри жавоб толган муштарийлар йил якунида қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: **Маҳмуд Чағминий.** Тошкент шаҳри Яшнабод туманидан Козимжон Ашуралиев тўғри жавоб йўллади.

Тафаккур қилмондан бир қатъа

Сабр била боғлиқ иш очилур,
Ишда ошиққан кўп тойилур.

Алишер Навоий

МУАССИС

«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ
ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 рақам билан
рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998



91772010699000

БОШ МУҲАРРИР

Каримов
Фахриддин Турдалиевич

Тахрир ҳайъати

Баҳодир Ганиев, Меҳриддин Шуқуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишоннов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир

Умарова
Наргиза
Баҳодировна

Саҳифаловчи

Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида, А-3 форматда
чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табак.
Корхона манзили: «**Буюк Турон**» кўчаси, 41.

Индекслар: **203, 3203**
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-256.
Адади — 11261

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.30
ЎЗА якуни — 21.10

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5